

РЕСПУБЛИКАДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ҚИЛИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Дехканова Нилуфар Сагдуллаевна
Тошкент давлат аграр университети "Агробизнес ва инвестицион
фаолият кафедраси" катта ўқитувчиси
E-mail: dexkanova17@mail.ru

Аннотация: Мақолада Республикада озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт-импорт қилиш масалалари тадқиқ қилинган ва ҳозирги ҳолати таҳлили келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар ва таҳлил натижалари асосида озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт-импорт қилишни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат маҳсулотлари, экспорт, импорт, ташқи савдо, савдо айланмаси, тез бузулувчан маҳсулотлар, қайта ишлаш.

Аннотация: В статье исследуются вопросы экспорта-импорта продуктов питания в республике и дается анализ текущей ситуации. По результатам исследований и анализа разработаны предложения и рекомендации по развитию экспорта-импорта продуктов питания.

Ключевые слова: продукты питания, экспорт, импорт, внешняя торговля, товарооборот, скоропортящиеся продукты, переработка.

Abstract: The article examines the issues of export-import of food products in the republic and provides an analysis of the current situation. Based on the results of research and analysis, proposals and recommendations were developed for the development of export-import of food products.

Key words: food products, export, import, foreign trade, turnover, perishable products, processing.

Кириш

Давлатнинг энг устувор ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири бу аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ўз вақтида қондиришдан иборатдир.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан талаб этилган ҳажмларда ва зарур бўлган сифатларда таъминлаш комплекс ва мураккаб вазифа бўлиб, ҳокимият органлари, бизнес ва фуқароларнинг турли фаолият йўналишларини қамраб олади. Ушбу фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш ҳисобланади.

Озиқ-овқат товарларининг асосий қисми тез бузулувчан маҳсулотларга тааллуққидир. Ушбу ўзига хослик озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказишда, шунингдек экспорт-импорт қилишда ҳам ўзига хос тадқиқот услублари ва ёндашувларини талаб қилади. Шунинг учун ушбу мақолада тадқиқотнинг мазмун ва моҳияти ўзининг муҳимлиги билан долзарб масалалар сирасига киради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолининг талаблари даражасида етказиб беришда ушбу маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш ва уларни етказиб бериш муаммолари билан етакчи хорижий ва мамлакатимиз олимлар томонидан тизимли тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан: А.Н.Анищенко [1] ҳудудлар кесимида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари, А.М.Жондарев [2] хўжалик тизимларини иқтисодий хавфсизлиги, А.А.Кайгородцев [3] Қозоғистон республикасини иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлиги, Э.Н.Крылатых, В.З.Мазлова [4] интеграция шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги ва бошқаларнинг асарларида мамлакат иқтисодий хавфсизлиги, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини глобал, миллий ва ҳудудий даражада баҳолаш ва таъминлашнинг назарий-услубий ва амалий жиҳатлари батафсил ёритилган.

“Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш шартлари, усуллари, ҳўл ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорлар маркетинги” номли қўлланмада (2016) мамлакат иқтисодиётида экспортнинг аҳамияти ва уни амалга ошириш босқичлари, мева-сабзавот маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг ҳозирги ҳолати, уларни сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш, шунингдек сақлаш ва қайта ишлаш усуллари, техника ва технологиялар, уларнинг афзалликлари, миллий ва халқаро “GLOBALGAP” стандарти моҳияти ва аҳамияти, уни жорий этиш чоралари келтирилган [5].

Иқтисодчи олимлар Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсуновларнинг “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” номли ўқув қўлланмасида (2016) аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлигининг иқтисодиётни барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, аграр сиёсат ва ислохотларнинг моҳияти, мақсади ва тамойиллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли, озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашнинг назарий-услубий асослари, хорижий мамлакатларда уни таъминлаш бўйича эришилган ютуқлар, тажрибалар, аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодиётини тартибга солиш даражаси ва усуллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг ўрни ҳамда мамлакатимизда озиқ-овқат таъминоти ва бошқа муҳим масалалар ёритилган [6].

Соҳа мутахассислари М.Х.Саидов, И.Б.Рустамовалар “Янги ва қайта ишланган маҳсулотларни сотиш бозорларидаги маркетинг изланишлар” номли ўқув қўлланмада (2018) Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг аҳамияти, жаҳон мева-сабзавотлар бозорида Ўзбекистоннинг тутган ўрни, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига таъсир қилувчи омиллар, қишлоқ хўжалигида логистик ёндашувлар, миллий ва халқаро “GLOBALGAP” стандарти моҳияти ва аҳамияти, уни жорий этиш чоралари келтирилган [7]. Ушбу тадқиқотларда мева-сабзавотларни етиштириш самарадорлигини ошириш, уларнинг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти очиб берилган бўлсада, ҳозирги модернизациялаш шароитида, озиқ-овқат маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаш услублари ва технологиялари ўрганилмаган. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш услубларини такомиллаштириш, аҳолини йил давомида озиқ-овқат масулотлари билан бир текисда таъминлаш имкониятини беради. Шу сабабли ушбу муаммоларнинг тадқиқоти маълум бир долзарблик касб этади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада озиқ-овқат масулотларини етиштириш экспорт ва импорт қилиш динамикаси, уларнинг мамлакатнинг ташқи савдо айланмасида тутган ўрни аниқлашда умумлаштириш ва гуруҳлаш усуллари, қиёсий ва динамик таҳлил ҳамда тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар қандай давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти умумий иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади ва иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, капитални кенгайтирилган қайта яратиш, савдо ва саноат рақобатбардошлигини ошириш, давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларини оширишга йўналтирилган турли иқтисодий ва сиёсий тадбирларни ўз ичига олади.


Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдони амалга оширмоқда. Уларни шартли равишда 2 та гуруҳга бўлиш мумкин: МДҲ мамлакатлари ва узоқ хориж мамлакатлари.

Ташқи иқтисодий фаолият доирасида товарларнинг олди-сотдиси бўйича барқарор муносабатларнинг шаклланиши нафақат давлат бюджетига валюта тушишига, балки ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигининг ортишига ҳам кўмаклашади. Шунинг учун экспорт ва импорт масалалари ташқи иқтисодий фаолиятнинг таянч жиҳатлари ҳисобланади.


Кейинги йилларда Ҳукумат томонидан ўтказилган, экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштиришга йўналтирилган ислохотлар ва умуман ташқи савдонинг мувозанатига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 42,2 млрд АҚШ долларига ўсиши таъминланди, бу 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 26,2 фоизга ортиқ. Мазкур натижани мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд қилиш мумкин.

Товарлар ва хизматларни экспорт қилиш ҳажми 17,9 млрд АҚШ долларини (ўсиш 28%), импорт қилиш ҳажми эса - 24,3 млрд АҚШ долларини (ўсиш 24,9%) ташкил қилган. Ташқи савдо сальдоси манфий бўлиб чиққан (- 6,4 млрд АҚШ доллари).

Экспортнинг таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари тоифасини алоҳида қайд қилиш мумкин бўлади, улар ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмидан 8,5 фоизни ташкил қилади ва қимматбаҳо металллар, энергия ташувчилар нефть маҳсулотлари ва тўқимачилик маҳсулотларидан кейин 4-ўринни эгаллайди. Шунинг қайд қилиш жоизки, экспортнинг бу позицияси бўйича сўнгги 4 йил давомида ижобий динамика кузатилмоқда. Биргина охириги йилда экспортнинг ушбу моддаси ўзининг позициясини 0,7 фоизга оширган.




1-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг улуши¹, %



2-расм. 2019 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш улушининг олдинги йилга нисбатан ўсиш фоизи²

2019 йил якунларига кўра озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишнинг улуши 7,8 фоизни ташкил қилган - 2018 йилга нисбатан 0,3 фоизга пасайган. Сўнгги тўрт йилдаги кўрсаткичлар мазкур номенклатурадаги товарларни импорт қилишнинг улуши 1,6 мартага камайганлигидан гувоҳлик беради (2019 ва 2015 йиллардаги кўрсаткичлар таққосланган).




3-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишнинг улуши³, %

¹ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvaral-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган


² <https://stat.uz/ru/default/ezhekvaral-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

³ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvaral-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган




4-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш улушининг олдинги йилга нисбатан пасайиш фоизи⁴

Ўтган йили озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш пул қийматида 1517,5 млн АҚШ долларини ташкил қилган. Мазкур кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 1,4 мартага ошган (ўсиш 38,2 % ни ташкил қилади).



5-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми, млн АҚШ доллари⁵



6-расм. 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиш фоизи⁶


Озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ҳажми 2018 йилга нисбатан 19,2 фоизга ошган. Мазкур кўрсаткичнинг ўсиши сўнгги 3 йил давомида кузатилади ва импорт қилувчи мамлакатлар сонининг кўпайиши ҳисобига ички бозорда озиқ-овқат

⁴ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvartal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган


⁵ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvartal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

⁶ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvartal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

товарлари номенклатурасининг кенгайганлигидан гувоҳлик беради.



7-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ҳажми, млн АҚШ доллари⁷



8-расм. 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиш фоизи⁸

«2018-2019 йилларда импорт тўғрисидаги маълумотлар бир қатор асосий халқ истеъмоли товарларини импорт қилиш ҳажмининг ошганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, кунгабоқар ёғини импорт қилиш 48 фоизга - 69,2 млн. доллардан 103 млн. долларга, шоколад - 50 фоизга (15,4 дан 23,1 млн. долларга), маргарин - 20 фоизга (10 дан 12 млн. долларга), пишлоқ - 83,3 фоизга (2,4 дан 4,4 млн. долларга), сариёғ - 20 фоизга (3 дан 3,6 млн. долларга), макарон маҳсулотлари - 70 фоизга (3,7 дан 6,3 млн. долларга) ошган. Бошқа маҳсулотлар орасидан конфетларни импорт қилиш анчагина - 105 фоизга (1,7 дан 3,5 млн. долларга), болалар бўтқаси - 95,8 фоизга (9,6 дан 18,8 млн. долларга), йогурт - 145 фоизга (1,1 дан 2,7 млн. долларга), печенье - 81,2 фоизга (1,6 дан 2,9 млн. долларга) ошган. Бундан ташқари минерал сувларни олиб кириш ҳажми 6,6 мартага (269 минг доллардан 1,8 млн долларга) ва газланган сувларни олиб кириш ҳажми 13,5 мартага (309,1 минг доллардан 4,2 млн долларга) ошган»⁹.


Хорижда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини энг кўп олиб кириш ҳажми МДХ мамлакатларига тўғри келади - 66,2 фоиз атрофида, бу 2018 йилдаги кўрсаткичга қараганда 6,2 фоизга кам. Бу импорт географиясининг кенгайиши билан

⁷ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvartal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

⁸ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvartal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

⁹ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvartal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

боғланади. Пул қийматида озиқ-овқат товарларини импорт қилиш 303,3 млн. долларга ёки 2018 йилга қараганда 1,2 мартага ошган.



9-расм. Ўзбекистоннинг умумий импорт ҳажмида озиқ-овқат товарлари импорти миқдори, млн.долл.¹⁰

Ўзбекистоннинг умумий импорт ҳажмида МДҲ мамлакатларидан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш 15,2 фоизни, бошқа мамлакатлардан импорт қилиш - 4 фоизни ташкил қилади.



10-расм. 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи мамлакатларининг фоиз нисбати¹¹

Озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш географияси қуйидагича тақсимланади: Осиё мамлакатларининг улушига 81 фоиз, Европа мамлакатларининг улушига - 16 фоиз, бошқа мамлакатларнинг улушига - 3 фоиз тўғри келади.

Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳсулотларини асосий экспорт қилувчилар Хитой ва Қозоғистон давлатлари ҳисобланади. Европалик йирик экспорт қилувчилар Россия Федерацияси, Германия ва Латвия ҳисобланади.

Озиқ-овқат товарларининг етакчи экспорт қилувчи мамлакатлар тўртлигини Хитой, Россия, Қозоғистон ва Туркия ташкил қилади (жадвал).

Озиқ-овқат масулотларини Хитой билан экспорт ҳажми 3,1 фоизни, Россия билан - 8 фоизни, Қозоғистон билан - 21,2 фоизни, Туркия билан - 8,5 фоизни ташкил

¹⁰ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvar-tal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

¹¹ <https://stat.uz/ru/default/ezhekvar-tal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

қилади. Россиянинг МДХ мамлакатлари билан озиқ-овқат товарларни айланмасида Ўзбекистоннинг улуши 15 фоизни ташкил қилиш билан 4-ўринни эгаллайди.

жадвал

Экспорт ҳажмлари бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлар ўртасида тақсимланиши¹²

Экспорт қилувчи мамлакатлар	Экспорт ҳажми, млн.долл.	
	2018 йил	2019 йил
Хитой	69,4	76,9
Россия	186,5	198,3
Қозоғистон	410,1	302,6
Туркия	26,8	102,8
Жами	692,8	680,6

Бу мамлакатларга экспорт қилинадиган маҳсулотларни асосан шарбатлар, джемлар, консервалар, нордон сутли ичимликлар ва маҳсулотлар, пишириқлар, ширинликлар ва қуритилган мевалар ташкил қилади. Чунончи, қуруқ меваларни ишлаб чиқариш Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг муҳим йщналиши бўлиб ҳисобланади. Қуруқ меваларни экспорт қилиш Ўзбекистонга ҳар йили 33 млн. доллардан ортиқ даромад келтиради.

Озиқ-овқат товарларини экспорт қилишнинг умумий ҳажмида мева шарбатларини экспорт қилиш пул қийматида 9 млн. долларни ташкил қилади. Шунинг қайд қилиш жоизки, концентрацияланган табиий шарбатларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи ўринда туради.

2015-2019 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқаришнинг таркибида мевалар ва сабзавотларни қайта ишлаш ва консервалашнинг улуши 3 фоизга, ўсимлик ва ҳайвон мойлари ва ёғларини ишлаб чиқариш - 1,6 фоизга, шакар ишлаб чиқариш - 1,2 фоизга, алкогольсиз ичимликлар ва минерал сувлар ишлаб чиқариш - 1,0 фоизга ошган. Аксинча, бу даврда нон-булочка ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 6,9 фоизга ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши - 2,7 фоизга камайган.

Ўзбекистоннинг жаҳон аренасида озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорттери сифатида бунчалик юқорилаши озиқ-овқат маҳсулотини соф ҳолда етказиб беришни қисқартиришга, уларни қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарларни экспорт қилишга устуворлик берилганлиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноатида турли мулкчилик шаклидаги 12 мингдан ортиқ корхоналар, жумладан 109 та йирик корхона фаолият кўрсатмоқда. Озиқ-овқат тармоғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса қайта ишлаш саноатининг ишлаб чиқариш ҳажмида иккинчи ўринни эгаллайди ва 16,7 фоизни ташкил қилади.

Экспортнинг сифат таркиби иқтисодий ривожланишнинг муҳим детерминанти бўлиб ҳисобланади. Саноатлашиш ва шундан келиб чиққан ҳолда мамлакат экспортида кўпроқ мураккаб товарларнинг устивор бўлиши иқтисодий ўсишни хомашё товарларини ишлаб чиқаришга қараганда самаралироқ қўллаб-қувватлайди, чунки саноат ишлаб чиқариши унумдорликни ошириш учун кенгроқ имкониятларга эга [8].

¹² <https://stat.uz/ru/default/ezhekvartal-nye-doklady> - маълумотлар асосида тузилган

Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш мамлакат ишлаб чиқариши соҳасидаги устувор вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада риволантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида" ги Қарорига мувофиқ 2019-2021 йилларда 45 та агрологистик мажмуалар, 205 та қайта ишлаш корхоналари, камида 36 минг гектар интенсив боғларни яратиш ва бунга қарийб 1 млрд доллар маблағларни йўналтириш режалаштирилган [9].

Мазкур чоралар юқори қўшилган қийматга эга бўлган - экспортга йўналтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, шунингдек бевосита экспортда логистик жиҳатларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Шундай қилиб, кейинги йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмлари ортаётган бўлсада уларни саноат асосида қайта ишлаш кўламини ошириш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарларни кўпайтириб, уларни экспорт қилишга устуворлик бериш кераклигини тақозо этмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, Республикада озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишни рағбатлантириш мақсадида қуйидаги вазифаларга устуворлик бериш лозим:

- мева-сабзавот экспортини ривожлантириш учун мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан ушбу соҳага тегишли илмий-тадқиқот ишларини ва тавсиявий ишланмаларини фаоллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

- озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ижобий динамикага эга бўлиб, кейинги 4 йил мобайнида мамлакат ташқи савдо айланмасида ўз позициясини 0,7 фоизга оширгани, экспорт ҳажмини 1,4 мартага оширгани асосий сабабларидан бири импортёр мамлакатлар билан ўзаро келишилган ҳолда божхона амалиётининг янада энгиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак;

- мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг кейинги 4 йилда 1,6 мартага камайишга эришилганлиги қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, уларни қайта ишлаш даражасини ошириш туфайли эришилганлигини эътиборга олиб, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анищенко А.Н. Оценка продовольственной безопасности региона // Проблемы развития территории. 2013. №4 (66). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-prodovolstvennoy-bezopasnosti-regiona>.
2. Жондарев А.М., Петров А.А. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. Под общ. Ред. А.В.Колосов. – М.: изд. РАГС, 2001.
3. Кайгородцев А.А. Экономическая и продовольственная безопасность Казахстана. Вопросы теории, методологии, практики. – Усть Каменегорск, 2006. – 384 с.

4. Крылатых Э.Н., Мазлова В.З., Межонова Н.В. Национальная экономика: обеспечение продовольственной безопасности в условиях интеграции: Монография /— М.: НИЦ ИНФРА-М, 2016. — 238 с.

5. “Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш шартлари, усуллари, ҳўл ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорлар маркетинги” бўйича қўлланма. — Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2016. — 80 б.

6. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. — Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. — 257 б.

7. Янги ва қайта ишланган маҳсулотларни сотиш бозорларидаги маркетинг изланишлар. Ўқув қўлланма/ М.Х.Саидов, И.Б.Рустамова. — Т.: 2018. — 120 б.

8. Бауэрсокс Д.Д., Клосс Д.Д. Логистика: интегрированная цепь поставок / Перевод с англ. М: ЗАО "Олимп-Бизнес", 2001.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4406-сон 29.07.2019.